

РАҚАМЛИ БАНК МОДЕЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Жабборов Баҳриддин Рашидович

Банк-молия академияси

мустақил тадқиқотчиси

E-mail: bahriddinjabborov21031993@gmail.com

Аннотация

Мазкур тезисда рақамли иқтисодиёт шароитида тижорат банклари фаолиятини трансформация қилишнинг замонавий йўналишлари таҳлил қилинган. Хусусан, банк филиалларини виртуаллаштириш, рақамли банк технологиялари асосида молиявий хизматлар кўрсатиш ҳамда сунъий интеллектдан фойдаланиш амалиёти илмий нуқтаи назардан ёритилган. Шунингдек, халқаро тажриба асосида рақамли банкингнинг асосий моделлари тизимлаштирилиб, уларнинг функционал ва институционал хусусиятлари очиқ берилган.

Калит сўзлар: рақамлаштириш, рақамли молиявий хизматлар, масофавий банк хизматлари, рақамли банкинг, m-banking, инновация, трансформация.

Сўнгги йилларда ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши молия-банк тизимида чуқур институционал ўзгаришларга олиб келмоқда. Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, рақамлаштириш банк хизматларининг самарадорлигини ошириш, операцион харажатларни қисқартириш ва мижозлар билан ўзаро муносабатларни янги босқичга олиб чиқишда асосий омил ҳисобланади. Шу сабабли, рақамли банкинг концепцияси банklar учун стратегик рақобат устунлигини таъминловчи муҳим йўналиш сифатида шаклланимоқда. 2025 йилда рақамли банк даромадлари 1.61 трлн АҚШ долларигача етмоқда, бу соҳанинг иқтисодий аҳамияти юқорилигидан далолат беради. Шу билан бирга, 85%

банк мижозлари рақамли каналларни танлаётгани, мобил банкинг илоvalари билан ҳар ойда фаол фойдаланувчиларнинг 85% яқин бўлгани рақамли хизматлар эҳтиёжи ва унинг мижозлар тажрибасига бўлган таъсирини кўрсатади

Рақамли банк тушунчаси ва унинг моделлари

IBM корпорациясининг тадқиқотларига кўра, рақамли банк фақатгина алоҳида рақамли каналларни жорий этиш билан чекланмай, балки банкнинг бутун бизнес модели, ички жараёнлари ва корпоратив маданиятини рақамли муҳитга мослаштиришни талаб этади [1]. Бундай ёндашув банк инфратузилмасини реал вақт режимида ишлайдиган, маълумотларга асосланган қарор қабул қилиш тизимлари билан интеграциялашни назарда тутди.

IBM таҳлиллари асосида рақамли банкинг тўртта асосий моделга ажратилади:

Модель А – банкинг рақамли бренди.

Ушбу модел анъанавий банклар томонидан яратилган алоҳида рақамли брендни ифодалайди. Илмий манбаларга кўра, бу ёндашув банкларга мавжуд инерт тизимларни тўлиқ ўзгартирмасдан туриб, рақамли истеъмолчилар сегментига кириб бориш имконини беради. Сингапурдаги OCBC FRANK ва Испаниядаги CaixaBank рақамли банклари мазкур моделнинг амалиётдаги намунасидир.

Модель Б – рақамли каналларга эга банк.

Ушбу моделда банклар асосий эътиборни фойдаланувчи тажрибасини яхшилашга қаратади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, рақамли интерфейсларни оптималлаштириш мижозларни жалб қилиш ва уларнинг садоқатини оширишда муҳим роль ўйнайди. Бундай банклар одатда мавжуд банк лицензияси ва бек-офис инфратузилмасидан фойдаланган ҳолда, хизматларни қайта форматда тақдим этади. АҚШдаги Moven ва Россиядаги Rocketbank шулар жумласидандир.

Модель С – банкинг рақамли филиали.

Мазкур модель рақамли фойдаланувчи муҳити ва янгиланган бизнес жараёнларини бирлаштиради. Йирик молиявий институтлар ўз асосий тизимларининг технологик чекланганлигини инобатга олган ҳолда, алоҳида рақамли филиаллар ташкил этиш орқали инновацион ечимларни тезкор жорий этиш имкониятига эга бўладилар. BNP Paribas'нинг Hello Bank ва “Открытие” банки таркибидаги “Точка” банки ушбу моделга мисол бўлади.

Модель D – тўлиқ рақамли банк.

Бу моделда банкнинг барча маҳсулот ва хизматлари рақамли технологиялар асосида шакллантирилади. Илмий тадқиқотларга кўра, тўлиқ рақамли банклар мижозлар билан ўзаро муносабатларни асосан масофавий каналлар орқали амалга ошириб, юқори даражадаги мослашувчанлик ва инновационликка эга бўлади. Германиядаги Fidor Bank ва TCS (Tinkoff) банки бундай моделнинг амалий намунасидир.

Рақамли банкингнинг муваффақият омиллари: Таҳлиллар шуни кўрсатадики, рақамли банкинг моделининг муваффақияти, биринчи навбатда, хизматларни самарали масштаблаш, рақамли кўрсаткичларни аниқ ўлчаш ва мижозлар ишончини таъминлаш билан боғлиқ. Шу билан бирга, шаклланган бренд ва институционал қўллаб-қувватлаш мавжуд бўлмаган шароитда финтех стартапларнинг молиявий бозорда барқарор рақобат олиб бориши анча қийин ҳисобланади.

Хулоса

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, рақамли банк моделлари тижорат банкларининг стратегик ривожланишини белгилаб берувчи муҳим илмий-амалий асос ҳисобланади. Банклар ушбу моделларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, рақамли трансформацияни тизимли ва босқичма-босқич амалга оширишлари зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. IBM Corporation. *Designing a Sustainable Digital Bank*. IBM Institute for Business Value.

2. McKinsey & Company. *A Bank Branch for the Digital Age*. Global Banking Practice, 2018.
3. Tang, D. *Branch Transformation and Digital Banking Models*.
4. World Economic Forum. *The Future of Financial Services*.